

«13» апрель 2022йил

Дустлик шахри

Дустлик туман тиббиётбирлашмаси номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари Х.Абдураимов (кейинги ўринларда Буюртмачи) ва “Diyor-Abdulatif” МСНЖ (кейинги ўринларда Пудратчи) раҳбари Э.Халиковмазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. Шартнома предмети

1.1. Иш ва хизматни бажарувчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.- бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Иш ва хизматларни бажарувчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуйидаги ишларни бажаради:

-Тиббиёт бирлашмасининг асосий биносини жорий таъмирлаш ишларини бажаради.

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил “13” апрелга қадар иш ва хизматни бажарувчига зарурий лойиҳа-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Иш ва хизматларни бажарувчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 10 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

## 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 % миқдорида бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома томонлар томонидан тасдиқланиб, газначиликда рўйхатдан ўтган вақтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

## 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойиҳага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани туғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чоратadbирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:



3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

### 3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

### 3.4. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

## **4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби**

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси ҚҚС билан 490 657 943 (Тўрт юз тўқсон миллион олти юз эллик етти тўққиз юз қирк уч) сўмни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## **5. Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига мажбурият бажарилмаган қисмининг 20 (%) фоизи миқдорида жарима, ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,5% пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фозидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 (%) фозидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня, 15 (%) фозиз миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузилишини бартараф этишдан озод этмайди.

5.5. Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги ташкилий ишлар ҳаражати пудратчи томонидан қоплаб борилади.

## **6. Форс-мажор ҳолатлари**

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.



## 7. Низоларни ҳал қилиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах вилояти иқтисодий судида кўриб чиқишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолангандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар буйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор қилинганида, буюртмачига тўлатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Коррупцияга қарши келишув

9.1 Шартнома буйича ўз мажбуриятларинини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш буйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бирбирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш буйича чоратадбирлар қабул қилинишини қафолатлайди.

9.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бирбирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

9.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавфхатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

9.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар буйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

## 10. Яқуний қоидалар



10.1.Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2.Мазкур шартнома икки нусхада тузилди.Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга.Тарафларнинг ҳар бирида мазкур олади шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномага тегишли ҳужжатлар илова қилинада.

#### 10. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»  
“Diyor-Abdulatif” MChJ  
(пудратчининг) номи)

«Буюртмачи»  
Дўстлик ТТБ  
(буюртмачининг номи)

Манзил: Зарбдор тумани, “Тоза уруғ” МФЙ,  
рақамсиз уй.  
Тел./факс: 94 191 00 45  
(х/в ёки ш/х): 20208000005079122001  
Банк номи: АТБ Алоқа банк Жиззах филиали

ИНН: 306439223  
МФО: 01026

ОКОНХ:01026

Манзил:Дўстлик шаҳри.  
Ибн-Сино кўчаси 1-уй  
Тел./факс: 72-335-47-79  
Ш/х100022860082157073101054001  
Банк номи: Марказий банк  
Тошкент шаҳри бош бошқармаси  
СТИР (Ташкилот) : 200999279  
ОКОНХ: 91511 МФО: 00014  
Дўстлик туман бўйича ғазначилик  
бўлинмаси.  
ИНН: 201122919  
Х/р: 23402000300100001010

Раҳбар  Э.Халиков  
(имзо)

Раҳбар  Х.Абдураимов





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
JIZZAX VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
DO'STLIK TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI  
130500 Do'stlik shahri, Amasoy shoh ko'chasi.

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO 'G 'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№ 1712**

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma
2. **Loyihaning nomi:** 03/22-sonli pudrat shartnomasi

**Loyihaning mazmuni:** Do'stlik tuman tibbiyot birlashmasi boshlig'i X.Abdurayimov va "Diyor-Abdulatif" MCHJ rahbari E.Xalikovlar o'rtasidagi 13.04.2022 kungi qiymati 490,657,943 so'mlik tuman tibbiyot birlashmasi binosini joriy ta'mirlash to'g'risidagi 03/22-son pudrat shartnoma loyihasi.

3. **Loyihani ishlab chiquvchi tashkilot:** Do'stlik tumani tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yilning 13-aprel kuni ishlab chiqilgan.
4. **Loyiha kelib tushgan sana:** 2022-yil 13-aprel kuni Markazga elektron tizim orqali yuridik xulosa olish maqsadida taqdim etilgan.
5. **Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq.**

Markazning yuridik xulosa bergan xodimi loyiha moliyaviy tomonlariga javobgar emas!

Markaz boshlig'i,  
2-darajali yurist



U.A.Abdiyev  
13.04.2022 yil





«ТАСДИКЛАЙМАН»  
Дўстлик туман тиббиёт  
бирлашмаси бошлиғи  
Х.Абдураимов  
13 апрель 2022 йил.

Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси бюджет маблағлари ҳисобидан лойиҳа смета ҳужжатлари асосида  
Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси биносини жорий таъмирлаш танлов ўтказиш комиссиясининг

**ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ № 3**

2022 йил 13 апрель

Дўстлик тумани.

**Кун тартиби:**

- Ахборот парталига жойлаштирилган элон тўғрисида маълумот
  - 8. Элон берилган сана: 04.04.2022 йил
  - 9. Берилган элон тартиб рақами: 22110012064060
  - 10. Буюртма предмети: Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси биносини жорий таъмирлаш
  - 11. Ўлчов бирлиги: объект
  - 12. Бирлик нархи: сум
  - 13. Берилган миқдори: 1
  - 14. Элон берилиш нархи: 500 388 724
- Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси биносини жорий таъмирлаш.

Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси биносини жорий таъмирлаш, ишлари бўйича 2 кун мобайнида комиссия аъзоларига ва Дўстлик туман тиббиёт бирлашмасига ҳеч қандай етирозлар келиб тушмади. ООО "DIYOR-ABDULATIF" томонидан Дўстлик туман тиббиёт бирлашмаси биносини жорий таъмирлаш, бўйича тақдим этилган таклифи энг маъқул ва мақсадга мувофиқ деб топилиган ва бу талабгор танлов голиби деб топилган.

Х.Абдураимов

Ш.Худойбердиев

Д.Шамсиев

У.Бекназаров

А.Бердимуродов

Д.Тошпулатов